# БАҲОЛАШ ШАРТНОМАСИ

**№58**

**2022 йил 19 апрел** **Тошкент ш.**

Кейинги ўринларда **«Буюртмачи»** деб юритиладиган ишончнома асосида иш юритувчи **АТ "Алоқабанк" Бошқарув раиси ўринбосари Рахматов Х.У.** бир томондан ва кейинги ўринларда **«Бажарувчи»** деб юритиладиган **«UHY Appraisers» МЧЖ** номидан **Низом** асосида иш курувчи **фирма раҳбари Каримов А.З.,** АТ "Алоқабанк" нинг Республика буйлаб барча турдаги молк мулкларнинг бозор бахосини аниклаш буйича бахолаш ишларини бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

## I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1.Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га бахолаш хизматларини (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қиймати (танлов натижаларига кўра келишилган сумма)ни тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

"Хизматлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи танлов натижаларига кўра келишилади ва шартномага илова қилинади.

## II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Буюртмачи"нинг ҳуқуқлари:

"Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Бажарувчи"дан мазкур шартномага асосан ҳар бир буюртма бўйича белгиланган тарифларга мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

-зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштиришни талаб қилиш;

-"Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни талаб қилиш;

-хизмат баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

-шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш;

-мазкур шартноманинг 4.8-банди талаблари бажарувчи томонидан бузилса, ҳақ тўламаслик.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

"Хизматлар"га қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. "Бажарувчи" қуйидаги ҳуқуқларга эга:

кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. "Бажарувчи" қуйидагиларга мажбур:

"Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан берилган буюртманомага асосан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда муддат, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

экспертиза хулосаларини шаффофлигини таъминлаш;

шахсий манфаат асосида мулк эгаси ёки банк мижози билан алоқада бўлмаслик;

ўз экспертлари орқали гаров мулкларини жойига чиқиб ўрганиш;

агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 3 кун муддатда текин тузатиб бериш.

## III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг умумий баҳоси 365 000 000 (уч юз олтмиш беш миллион) сўмни ташкил этади. Етказиб бериладиган "Хизматлар" тури ва баҳоси танлов натижаларига кўра мазкур шартномага илова қилинади.

3.2. "Буюртмачи" кўрсатиладиган "Хизматлар" туркумидаги ҳар бир баҳолаш хизмати учун мазкур шарономанинг 1.1. банидаг асосан келишилган сумманинг 15 фоизи миқдорида олдиндан ҳақ тўлаши мумкин. Кўрсатилган "Хизматлар" учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 5 кун муддат давомида кўрсатилган хизмат миқдори узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатилган "Хизматлар" учун хизмат ҳақи пул ўтказиш йўли билан накд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

Ҳисоб-китоб ҳужжатида банк муассасаси штампида кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи"нинг розилиги билан "Хизматлар" муддатидан олдин кўрсатилиши мумкин. "Буюртмачи" томонидан кўрсатилган ва қабул қилинган "Хизматлар" учун кейинги даврларда кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар" ҳисобига ҳақ тўланади ва улар ҳисобига ўтказилади.

4.5. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Назарда тутилган миқдордан ортиқча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.8. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади.

Буюртманома "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.9. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари Буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 50 фоизигача миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, тури техник шартлар талабларига, намуналарга ёки шартнома ҳамда "Буюртмачи"нинг буюртманомасида белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6."Буюртмачи" томонидан тегишли шартнома бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан шартнома бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда

бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

"Бажарувчи"нинг айби билан шартноманинг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари тегишли қонунчилик нормаларига мувофиқ қўлланилади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда ёхуд ўзаро музокаралар йўли билан судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома томонлар ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

## VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

**"БУЮРТМАЧИ"**

AT «ALOQABANK»
Amir Temur shohko'chasi, 4-uy
H/r:
KOD: 00 401 STIR: 200 829 053 IFUT: 64 190
QQS 326 010 005 502, Tel.:(71) 232-83-73

Солиқ тўловчининг идентификация рақами

ККС коди____________________

М.Ў. Раҳбар имзоси, Ф.И.О.

____________________ Х. Рахматов

**"БАЖАРУВЧИ"**

МЧЖ «UHY Appraisers»

Манзил:Тошкент шахри, Юнусобод тумани, Амир Темур кучаси 25А уй.

Телефон/факс: 234-75-79, факс: 234-22-47

ИНН 301 699 545 Х/С 20 208 000 904 867 654 001, АТИБ «Ипак Йўлининг» Сагбон филиали, банк коди 01036

ККС коди 326110005308

____________________

Директор Каримов А.З.

## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 63711 на приобретение АТ “Алоқабанк” балансидаги маъмурий бинолар ва автотранспорт воситаларини баҳолаш хизматини кўрсатиш

Способ проведения электронный

Дата 15.04.2022

Время рассмотрения 14.04.2022 10:10

Конкурсная комиссия , (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | SOLIYEV MIRJALOL NABIDIN O‘G‘LI | Юридик бошқарма бошлиғи в.б | AT Aloqabank |
| **Член комиссии** | Насретдинова Насиба Иркиновна | Бошқарув Раиси ўринбосари | АТ "Алоқабанк" |
| **Член комиссии** | Рахматов Хасан Уткирович | Бошқарув Раиси ўринбосари | АТ "Алоқабанк" |
| **Член комиссии** | Махкамов Фаррух Муродович | Электрон тижорат ва бизнесни ривожлантириш департамент директори | АТ "Алоқабанк" |
| **Член комиссии** | Қурбонов Алишер Самадович | Бошқарув Раиси ўринбосари | АТ "Алоқабанк" |
| **Председатель комиссии** | Ирисбекова Каммуна Наринбаевна | Бошқарув Раиси | АТ "Алоқабанк" |
| **Секретарь комиссии** | Муродиллаев Сардор | 1-тоифали мутахассис | AT "Aloqbank" |
| **Член комиссии** | Иргашев Сардор Ганишерович | Бўлим бошлиғи | AT Aloqabank |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 15.04.2022 года № лота 63711.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 10

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по оценке основных средств** |
|---|---|
| Подробное описание | Банк балансидаги маъмурий бинолар ва автотранспорт воситаларини бахолаш хизмати. Банк мулкларини шаффоф бахолаш хизматини жалб қилиш Шахсий манфаат асосида мулк эгаси ёки банк мижози билан алоқада бўлмаслик; - Баҳоловчининг хар бир вилоятда ўз офиси ва баҳоловчи ёрдамчилари бўлиши лозим; - Баҳоланадиган кўчмас мулкларнинг манзилини интернет орқали онлайн излаш имконини яратиш; - Барча турдаги мулк ва ашёларни баҳолаш учун аналоглар базасига эга бўлиши; - ISO 9001 халқаро сифат сертификатига эга бўлиши. |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 500 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 500 000 000.00 |

| | |
|---|---|
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Баҳолаш компанияси баҳолаш соҳасида камида 8 йиллик профессионал тажрибага эга бўлиши керак. Баҳоловчи ташкилот давлат мулкини баҳолаш (2020-2021 йиллар учун) бўйича тажрибага эга бўлиши, баҳолаш компанияси эса 2021 йилда тегишли тартибда хусусийлаштирилган давлат мулкини баҳолаш бўйича тўлдирилган ҳисоботлар рўйхатини (камида 10 та объект) тақдим этиши ва давлат активларини бошкариш агентлиги билан шартнома асосида иш юиритиши тўғрисида маълумот такдим қилиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: Баҳолаш компанияси баҳолаш соҳасида камида 8 йиллик профессионал тажрибага эга бўлиши керак. Баҳоловчи ташкилот давлат мулкини баҳолаш (2020-2021 йиллар учун) бўйича тажрибага эга бўлиши, баҳолаш компанияси эса 2021 йилда тегишли тартибда хусусийлаштирилган давлат мулкини баҳолаш бўйича тўлдирилган ҳисоботлар рўйхатини (камида 10 та объект) тақдим этиши ва давлат активларини бошкариш агентлиги билан шартнома асосида иш юиритиши тўғрисида маълумот такдим қилиши лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 10 | Настоящим сообщаем что Наша организация в 2020-2121 годах наша компания участвовала при приватизации нижеследующих государственных объектов: ГУП "Тансйулкурилиш, Автобаза Кукалам, Опорный пункт, Незавершенное здание клуба, Здания и сооружения (вузгородок), Здания и сооружения (козонхона), Зумрад сервис МЧЖнинг дам олиш оромгохи. | 10 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 10 | Баҳолаш компанияси баҳолаш соҳасида камида 8 йилдан ортик профессионал тажрибага эга | 7 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 10 | да | 7 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 10 | да | 5 | Экспертная | | |

Критерий №2 Иштрокчи ташкилот тасисчилари Мажбурий ижро бюроси порталида қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи хужжат

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчи ташкилот тасисчилари Мажбурий ижро бюроси порталида қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи хужжат

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 5 | у нас нет ни каких объзательств перед другими обществами | 5 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 5 | Иштрокчи ташкилот тасисчилари Мажбурий ижро бюроси порталида қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқловчи хужжат паспорт маълумотномаси буйича карздорлик йуклиги илова киилнади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 5 | ООО «VERITAS» не находится в стадии ликвидации, банкротства, реорганизации. | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 5 | да | 5 | Экспертная | | |

Критерий №3 Иштрокчи кўйидаги талабларга жавоб берадиган, тузилган лойиха жамоасига эга булиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Иштрокчи кўйидаги талабларга жавоб берадиган, тузилган лойиха жамоасига эга булиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 10 | у нас 15 опытных сотрудников | 10 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 10 | Иштрокчи тугрисидаги барча хужжатлар илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 10 | да | 10 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 10 | да | 10 | Экспертная | | |

Критерий №4 Бахолаш ишларини амалга оширадиган бахолаш ташкилоти халкаро ёки мустакил аудит ва консалтинг фирмаларини уз ичига олган халкаро тармокларининг бир кисми бўлиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Бахолаш ишларини амалга оширадиган бахолаш ташкилоти халкаро ёки мустакил аудит ва консалтинг фирмаларини уз ичига олган халкаро тармокларининг бир кисми бўлиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY** | 10 | мы | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **APPRAISERS ООО** | | международная компания | | | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 10 | Бахолаш ишларини амалга оширадиган бахолаш ташкилоти буйича хужжатлар илова килинади | 0 | Экспертная | Дисквалифицирован | Қуйидаги жойлаштирилган маълумотларда Халқаро сертификат (Certificate of membership) жойлаштирилмаганлиги аниқланди |
| **ООО VERITAS** | 10 | Есть | 7 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 10 | да | 10 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иш тажрибаси ва республика бўйича сервисни амалга ошириш хизмати мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Иш тажрибаси ва республика бўйича сервисни амалга ошириш хизмати мавжудлиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 10 | Оценочная организация ООО «UHY APPRAISERS» была создана в 2010 году. С 2014 года ООО «UHY APPRAISERS» входит в состав международной организации UHY International, которая образована в 1986 году. На сегодняшний день UHY International объединяет независимые аудиторские, консалтинговые и оценочные фирмы в 89 странах по всему миру и входит в число 16 крупнейших международных аудиторских и консалтинговых сетей (по итогам 2014г.). Штаб-квартира UHY находится в Лондоне. В более чем 296 бизнес-центрах UHY работает свыше 7660 специалистов-консультантов, в 2014 году показатель совокупной выручки составляет 640 млн. | 10 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | долл. США. | | | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 10 | Иш тажрибаси ва республика бўйича сервисни амалга ошириш хизмати мавжудлиги ва офислар фото суратлари билан илова килинади | 10 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 10 | да | 10 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 10 | Имеет опыт работы | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида ариза

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида ариза

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 5 | мы против коррупрции | 5 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 5 | Коррупция ҳолатларига йўл қўймаслик тўғрисида ариза илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 5 | да | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 5 | Имеется | 5 | Экспертная | | |

Критерий №7 Танлов иштирокчиси ва таъсисчилари тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ва таъсисчилари тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 5 | у нас один учредитель | 5 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 5 | Танлов иштирокчиси ва таъсисчилари тўғрисида маълумот илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 5 | Информация о ООО "Veritas" | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 5 | Есть | 5 | Экспертная | | |

Критерий №8 Лойиха рахбари бахолаш сохасида иш тажрибаси камида 8 йил ва халкоро бахалошда компаниясида камида 5 йил иш тажрибага эга булиши керак

Тип: Текстовое значение

Описание: Лойиха рахбари бахолаш сохасида иш тажрибаси камида 8 йил ва халкоро бахалошда компаниясида камида 5 йил иш тажрибага эга булиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 10 | имеет многолетний опыт работы | 10 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 10 | иш тажрибаси илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 10 | да | 7 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 10 | да | 5 | Экспертная | | |

Критерий №9 Танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ розилиги тўғрисида кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов ҳужжатлари талабларига тўлиқ розилиги тўғрисида кафолат хати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **UHY APPRAISERS ООО** | 5 | согласны со всеми условиями | 5 | Экспертная | | |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | 5 | Танлов ҳужжатлари талаблари буйича кафолат хати илова килинади | 5 | Экспертная | | |
| **ООО VERITAS** | 5 | да | 5 | Экспертная | | |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 5 | да | 5 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| **ООО VERITAS** | 500 000 000.00 | 300 000 000.00 | 11.04.2022 15:23:18 | 25.00 |
| **UHY APPRAISERS ООО** | 500 000 000.00 | 365 000 000.00 | 11.04.2022 11:57:15 | 20.55 |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 500 000 000.00 | 250 000 000.00 | 11.04.2022 16:20:06 | 30.00 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО VERITAS** | 60.9 | 25 | 85.9 |
| **ООО ELEKTRON BAHOLASH** | Не прошел | Не прошел | Не прошел |
| **UHY APPRAISERS ООО** | 70 | 20.55 | 90.55 |
| **ООО BUSINESS EXPERT** | 60.2 | 30 | 90.2 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 63711 от 15.04.2022 года на приобретение АТ "Алоқабанк" балансидаги маъмурий бинолар ва автотранспорт воситаларини бахолаш хизматини кўрсатиш определила победителем:

UHY APPRAISERS ООО
301699545

и резервный исполнитель: ООО BUSINESS EXPERT (301105437)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | Ирисбекова Каммуна Наринбаевна | Согласен | |
| **Член комиссии** | SOLIYEV MIRJALOL NABIDIN O'G'LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | Иргашев Сардор Ганишерович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Махкамов Фаррух Муродович | Согласен | |
| **Член комиссии** | Насретдинова Насиба Иркиновна | Согласен | |
| **Член комиссии** | Рахматов Хасан Уткирович | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП